



Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

...ГАЗЕТАЛАР ЕТИММИ?



Газета-журналларнинг залвори
ҳақида кўп ўйлайман. Бола эдик.

Одамлар дала-даштдан кун буйи бўшамайдиган даврлар эсимга тушади. Кунда-кунора қишлоққа газета ва журналларни олиб келадиган почтаци амаки обуна мавсумида сал ўзгариб қоларди. Чунки унга ҳамманинг иши тушарди-да. Энг камбағал оила ҳам ҳеч бўлмаганда уч-тўртта нашрга обуна бўларди.

Ҳолбуки, ўша пайти одамларнинг аҳволи, яшаш тарзи хаминқадар эди. Телевизори, сайисхонасида иккита қўйи бўлса, бас, у одам бахтиёр санарди ўзини. Аксарият уйлар шиферсиз бўлгани учун август-сентябрь ойларида биз болалар ҳам том суваш ҳашаридан ортмасдик. Ҳашардаги гап сўзлар ҳозиргидек гийбат, иғводан эмас, бирор асар ёки газетада чоп этилган бирор мақола ҳақида бўларди. Туман газетасининг муҳаррири ҳеч кимга кўринмасди, мабодо бировнинг тўйига бориб қолса, ўша тўй соҳиби уч-тўрт кун гердайиб юрарди. Чунки муҳаррир дегани адолатнинг тимсоли эди. У ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ деб

ёзгани боис одамлар орасида ўзи ҳам, газетаси ҳам обрўли ҳисобланарди.

Қодирийни, Айтматовни, Қаҳхорни, Ойбекни, Гафур Гуломни, Абдулла Орипову Эркин Воҳидовни китоблардан, газеталардан таниб, ўқиб, ўқиб улғайган авлоддан исталган одамни тўхта-тиб, диктант ёздиринг, битта ҳам хато қилмайди. Тўйда сўз беринг, шеърсиз гапирмайди. Маъракада дуо қилдиринг, эсингиздан чиқмайдиган қилиб фотиҳа ўқийди. Чунки савод зўр, фаросат жойида. Бу нимадан? Газета ўқиганликдан, китоб мутолаасидан!

(Давоми 4-саҳифада)

Луқма

НАМУНА БОРМИ?

Олий таълим муассасасини имтиёзли битириб йўлланма билан келган йигитнинг виқор билан мағрур боқиб турганини кўриб хуш кайфият билан ариза ёзишини таклиф қилдим.

- Намуна борми? — деди йигит.
- Қанақа намуна? — дедим таажжубланиб.
- Ариза намунаси, — деди у хотиржам. — Қараб ёзиш учун...

(Давоми 8-саҳифада)



Иқтисодий шарҳ



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ОВҚАТЛАНИШ СИФАТИ

Бозорлар глобаллашуви ва дунё аҳолиси ўсиши давом этар экан, озиқ-овқатга бўлган эҳтиёж ошиб, таъминоти ҳам мураккаблашиб бораверади. Ҳар бир мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солиш бўйича ўз тартиблари, қонунлари ва амалиётини белгилайди. Бу қоидалар бошқа давлат ва минтақалар талабларидан фарқ қилиши мумкин. Демак, маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқиш озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қонунларига қатъий риоя қилишни талаб этади.

Озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлиги ҳар доим кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда дунё бозорларида юзага келган кескин тебранишларнинг ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга салбий таъсирини камайтириш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланиш сифатини сезиларли даражада яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун кўплаб хавф омилларини камайтириш имконини берадиган бир қатор муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган. Шу асосида юртимизда талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур соҳада мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида ҳудудларимизда давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари ташкил этилиб, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналар билан жиҳозланди.

(Давоми 3-саҳифада)



СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИГА ҚАРАТИЛГАН

Мустақил, очик ва шаффоф суд тизимини шакллантириш ҳамда хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда институционал ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатида устуворлик касб этмоқда. Айниқса, одил судловда очиклик, жамоатчилик механизми қўлланилиши, суд ҳукми қабул қилинишида инсонпарварлик тамойили намоён бўлиши аҳоли ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини қонуний кафолатлаётир.

Албатта, буни суд-ҳуқуқ соҳасига катта эътибор қаратилаётгани натижаси, дейиш мумкин. Бинобарин, тизимда сўнгги йилларда татбиқ этилаётган муайян чора-тадбирларга кўра, аввало, судларнинг молиявий мустақиллиги кучайтирилди. Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Президентимизнинг 2021 йил 13 январдаги “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мувофиқ, судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқлигича Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Шунингдек, судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилгани ҳам эътиборга молик. Булар, албатта, суднинг мустақиллигини таъминловчи муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат, мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам тизимдаги ислохотлар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Зеро, Бош қомусимизда суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга оид алоҳида модда кiritилгани судлар мустақиллиги ка-

фолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Судьялик лавозимида фаолият юритиш ҳар жиҳатдан масъуллик, фидойиликни талаб этиши ҳаммаизга яхши маълум. Шу боис, қонунчиликка кўра, ушбу вазифаларга номзодларни саралаш ва тайинлашнинг янги тартиб-таомиллари жорий этилди. Хусусан, судья лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати, сўнг муддатсиз даври белгиланди.

Судья лавозимида бўлишнинг ушбу тартиби судьядан зиммасига юклатилган вазифани намунали ва виждонан бажаришни талаб этиши билан бир қаторда, лавозимига кейинги муддатга қайта сайланиши ёки тайинланиши, ўз вазифаларини намунали адо этгач, кейинчалик ўн йилга ва ҳатто муддатсиз даврга сайланиши ёки тайинланиши учун рағбатлантирувчи қоида ҳам бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, салоҳиятли, ҳар томонлама малакали суд кадрларининг шаклланиши, одил судлов сифатини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга қара-

тилган муҳим тадбирлардан бири амалга оширилгани диққатга сазовор. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда очик, ошқора ва муқобил танлов тизимини яратиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принцигарио этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилгани бунга яққол мисолдир.

Кенгаш таркибининг камида ярмини судьялар ҳисобидан шакллантириш, унинг таркибига фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассисларини киритиш тартиби белгиланиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар унинг таркибидан чиқарилди. Ўз-ўзидан англашиладики, бу кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ҳамоханг экани билан янада аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизми такомиллаштирилди. Яъни, унинг асослари аниқлаштирилиб, суд раисларининг судьяларга нисбатан интизомий иш қўзғатишга оид ваколати тугатилди. Бу ҳам судьяларнинг самарали фаолият олиб боришларини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳадаги ислохотларнинг изчил давоми сифатида яна бир муҳим ташаббус рўёбга чиқарилди. Яъни, мамлакатда ягона суд амалиёти йўлга қўйилди. Шу мақсадда Олий суд ва Олий хўжалик суди фуқаролик,

жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди. Ушбу ислохот, пировардида, суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этишга ҳамда ягона суд амалиётини шакллантиришга олиб келди.

Бундан ташқари, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар бирлаштирилди. Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда вилоят даражасидаги умумюрисдикция судлари ташкил этилди. Албатта, буларнинг барчаси суд химоясини таъминлашдаги ортикча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, шу билан бирга, суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда катта роль ўйнади.

Бир сўз билан айтганда, суд ҳокимиятида олиб борилган институционал ўзгаришлар мамлакатимизда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

"АЛЛОМАЛАР" ДИЙДОРИ

"Ичан қалъа" давлат музей-қўриқхонаси ҳудудидаги 1765 йилда бунёд этилган тарихий -меъморий обида — Муҳаммад Амин иноқ мадрасасида бугунги кунда "Алломалар" музей бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Музей экспозицияларида Хоразм Маъмун академияси тарихи, у ерда фаолият кўрсатган буюк алломалар ҳаёти ва илм-фан ривожини йўлидаги илмий мероси ҳақидаги нодир экспонатлар ўрин олган.

Белгиланган режага мувофиқ бўлим мудирини ва илмий ходимлар иштирокида бу ерда "X-XI-асрларда Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синоларнинг тиббиёт ривожига қўшган хиссаси" деб номланувчи кўргазма



Музейлардаги янгиликлар

ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш тадбирида музей ходимлари, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар иштирок этишди.

Музей-қўриқхона директори ўринбосари Лочинбек Мағрасулов, бўлим мудираси Зайнаб Бекчанова ва бошқалар ўз табрик ҳамда фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кўргазмадан ўрин олган экспо-

натлар, доривор гиёҳлар, тарихий китоблар ва бошқа осори-атиқалар сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

О.ИСМОИЛОВ,
журналист, музей-қўриқхона
матбуот котиби.

Суратларда: кўргазма очилишидан лавҳалар.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ОВҚАТЛАНИШ СИФАТИ

(Боши 1-саҳифада)

Ички бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини қўллаш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай божхона-тариф тартибига солиш бўйича чоралар кўрилди.

Олдимизда турган мақсад — мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, соҳага доир масалаларни илмий жаҳатдан ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни озиқ-овқат билан таъминлаш механизмларини содда-лаштириб, улар ўзини ўзи банд қилишига шарт-шароит яратиш муҳим. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимиз ва аҳоли бандлигининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш, қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг “Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, аҳолига дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун ер ажратиш механизми жорий этилди. Ушбу қарор мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини ва ички бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда аграр соҳада аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали даромадини ошириш, шунингдек, “Бир ҳудуд — бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги 2 йилда жами 193 минг гектар ер майдони 643 минг аҳолига ажратилди. Натижада 2,5 миллион аҳоли бандлиги таъминланиб, даромад манбаи яратилди. Бунда ижтимоий дафтарларга киритилган 120 минг ҳамда 45 мингдан ортиқ меҳнат мигрантларига ер ажратилиб, иш ва даромад манбаига эга бўлишига кўмак берилди. Ажратилган майдоннинг 58 минг гектарига сабзавот, 27 минг гектарига полиз, 22 минг гектарига картошка, 26 минг гектарига дуккакли, 6 минг гектарига мойли, 20 минг гектарига донли ва бошқа экинлар экилди.

Ушбу майдонлар ва 108 минг гектарда парваришланаётган такрорий экинлар ҳисобига 2023 йил якунига қадар 5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. Такрорий экин сифатида 36 минг гектар сабзавот,

16 минг гектар картошка, 11 минг гектар полиз, 7 минг гектар мойли, 33 минг гектар дуккакли ва 5 минг гектар бошқа экинлар экилди.

2017-2022 йиллардаги статистика маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу даврда озиқ-овқат ва ун маҳсулотлари экспорти 21 баробарга ошганини кўриш мумкин. Шунингдек, сўнгги 6 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти қарийб икки баробар ёки 577 миллион долларга кўпайган. Шу билан бирга, ўзбек мева-сабзавотлари истикболли савдо бозорларига киришининг интенсивлиги ошди, хусусан, 54 турдаги маҳсулот учун 50 дан ортиқ янги бозор очилди, бунинг ҳисобига валюта тушуми 133 миллион долларга кўпайди.

Қуввати 67 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуввати 7 минг тонна бўлган саралаш ва қадоклаш, сиғими 60 минг тонна бўлган совутиш ва қуввати 190 минг тонна бўлган агрологистика марказлари ишга туширилди. Мазкур 33 янги лойиҳанинг умумий қиймати 521 миллиард сўмни ташкил қилди. Бунинг натижасида 1,8 миллион тонна мева-сабзавот етиштирилиб, шундан 331 минг тоннаси, яъни 243 миллион долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилди. Бунинг таркибида қайта ишланган маҳсулотлар ҳажми 21 фоизни ташкил қилди.

2016-2022 йилларда жами 7 миллиард долларлик мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари 131 давлатга экспорт қилинди. Унинг таркибида мева-сабзавот улуши 6,3 миллиард доллар, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари улуши эса 704 миллион долларни ташкил этди.

2023 йилда 1,6 миллиард долларлик, шундан, 1 миллиард 484 миллион долларлик мева-сабзавот, 115 миллион долларлик озиқ-овқат саноати маҳсулотларини экспорт қилиш белгиланган. Бу маррани забт этишга барча асослар етарли. Жумладан, биргина озиқ-овқат саноати корхоналари сони 2016 йилдаги 9,4 мингтадан 2022 йилда 2,4 баробар кўпайиб, 22,5 мингтага етказилди.

Айтиш ўринлики, мавжуд глобал вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш борасида кенг қўламли ислохотлар дастури амалга ошириляпти.

2017-2022 йилларда қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, агрохизматлар тизими ҳамда фермер ва дехқонларни моливиый қўллаб-қувватлашнинг замо-

навий механизмларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Хўжалик юретишнинг замонавий услуб ва илғор шакллари, жумладан, агрокластерлар, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперация) ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш орқали юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилмоқда.

Соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш бўйича очик электрон танлов натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқлаш тартиби бекор қилинди. Натижада ер майдонларини ажратиш инсон омилисиз электрон тизим ёрдамида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ҳудудларда ер тузиш лойиҳалари доирасида “E-auction” электрон савдо платформаси орқали дехқон хўжаликлари ташкил этиш учун ажратиб бериш тизими фаолияти йўлга қўйилган.

2022 йилда Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси рейтингига Ўзбекистон индекс кўрсаткичи 57,5 ни ташкил қилиб, 73-ўринни қайд этди. Ваҳоланки, 2017 йилда Ўзбекистон 54,7 балл билан 88-ўринда бўлган.

Шу ўринда “The Global Food Security Index” ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Глобал озиқ-овқат хавфсизлиги индекси 113 мамлакатда озиқ-овқатнинг арзонлиги, мавжудлиги, сифати ва хавфсизлиги, барқарорлиги ва мослашуви каби масалаларни кўриб чиқади. Индекс ривожланаётган ва ривожланган давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи омилларни ўлчайдиган 68 та ноёб кўрсаткичдан тузилган динамик миқдорий ва сифат жиҳатидан таққослаш моделидир.

Аҳоли сонининг ўсиши, ер, сув ва энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи асосий омиллардир. Экология ва сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар ушбу йўналишда янги вазифаларни ҳал қилиш мажбуриятини келтириб чиқаради. Шу боис, мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи 2021-2023 йилларда мўлжалланган



чора-тадбирлар белгилаб олинди. Унга асосан, 1 минг 758 километр канал, 443 километр лоток, 329 та гидротехника иншооти, 1 минг 899 километр коллектор-дренаж, 728 километр ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж, 1 минг 896 та мелиоратив кузатув кудуғи ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилишга киришилди. Шу билан бирга, 5 минг 26 километр магистрал канал, 45 минг 595 километр мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб бориляпти, 518 та насос агрегати ҳамда 807 та электродвигател янгиланмоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилувчи замонавий синов лабораториялари ташкил этилади. Органолептик ва физикавий кўрсаткичлар, кимёвий, микробиологик контроминантлар таҳлиллари, маҳсулотларнинг маркировка ва қадоклаши бўйича синовлар амалга оширилади. Марказларда “ISO 9001”, “22000”, “Global G.A.P”, “НАССР”, “HALAL” каби сифатни бошқариш менежмент тизимлари жорий қилинади. Натижада 2030 йилга бориб, соҳада экспорт ҳажми йилига ҳозирги 1,6 миллиард доллардан 10 миллиард долларга етказилади.

2023-2030 йилларда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6 миллиард доллардан 12 миллиард долларга етказилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари сони 22,4 мингдан 30 мингтага, маҳсулот ишлаб чиқариш ассортименти ҳозирги 1 минг 100 тадан 1 минг 500 тага ошади. Улар томонидан 7 йилда 5 мингга яқин инвестиция лойиҳалари амалга оширилади ва қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Озиқ-овқат саноатида иш ўринлари сони 110 мингтадан 150 мингтага кўпаяди. Қайта ишлаш қувватлари мева-сабзавотда 3 миллион тоннадан 3,5 миллион тоннага, гўштда 427 минг тоннадан 650 минг тоннага, сутда 2,4 миллион тоннадан 2,9 миллион тоннага ошади. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 8 фоиздан 25 фоизга етказилади. Умумий экспорт ҳажмида қайта ишланган маҳсулотлар улуши 31 фоиз (494 миллион доллар)дан 40 фоиз (1 миллиард доллар)га ўсади.

Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Саноат, қурилиш ва
савдо масалалари қўмитаси раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

(Боши 1-саҳифада)

Бугун эса, тан олайлик, айрим ёшларимиз чаласавод, оғзига нима келса валдирайдиганларга эргашяпти. Ижтимоий тармоқларда танилиш, мактов эшитиш учун ҳеч нарсадан тоймаяпти айримлар. Уларга эргашаётган болаларнинг ўзини тутишини кўринг, гапига кулоқ солинг, ҳар икки жумланинг биттаси “онангни...” билан тугайди. Қайси куни ишга келаяпти, мошинада “Ўзбекистон” радиоканали орқали берилган бир суҳбатни эшитиб қолдим. Унда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг бир ўқитувчиси тил ҳақида гапирар экан, бир пайтлар Афғонистонда талабаларга дарс берганини эслади. У афғон талабаларининг ўзаро гап-сўзларини тинглаб, гувоҳ бўлиб улар мутлақо сўкинмаслигини ҳайрат билан гапириб берди. Домла бунинг сабабини сўраганида, афғон ёшлари сўкиниш гуноҳ эканлигини айтишган экан. Бизда аҳвол қанақалигини яхши биласиз. Малимдан калтак еб одам бўлган ота-онанинг боласи бугун ўқитувчиси сал овозини кўтариб гапирса, интернетга тарқатяпти. Илгари бир қишлоқда энгилоёқ аёл пайдо бўлиши ўша қишлоқ аҳли учун иснод эди. Бугун эса ОАВ деганда кўплар палончининг эри хотинини писмадончи билан ушлаб олибди, суйиб ташлабди, боласини сотибди, ўзини осибди, ўқувчи қиз туғибди, деган хабар тарқатадиганларни тушунади. Бундай “ахборотчи”ларнинг касрига одамнинг кулоғи шу нарсаларга ўрганипти. Ор, ғурур, ҳамият йўқоляпти. Бора-бора хиёнат, бузқлик, невараси тенгига суйқалиш, қайнотаннинг келинга тегажоглик қилиши одатга айланиб қоляпти. Уқувсиз, саводсиз ҳам, ишдан ҳайдалгану қайнонаси билан келишмайдиган ҳам блогер. Уларга қўйиб берса, эр-хотиннинг тўшагига ҳам кириб репортаж қилади. Мақсад битта: нима бўлсаям, тезроқ танилса, ижтимоий тармоқдаги канални реклама қилса, пул топса. Шу ўринда бир гап, нега зўрға кун кўраётган нашрлар солиқнинг ҳамма турини тўлайдию, кунига миллион-миллион даромад топадиган телеграм каналлари давлатга бир сўм бермайди? Қани бу ерда мантик? Ахир, улар ҳам шу халқнинг пулидан фойда кўряпти-ку...

Асл ОАВ ҳеч қачон пул илинжида бўлмаган. Одоб сўзи адабиётнинг ўзаги бўлганидек, чин матбуот ҳаммаша адолатга, маърифатга хизмат қилган. Мен шу пайтгача газетада ёки теле-радиода ишлаб, шу ердаги ойлиги орқали бойиб кетган ижодкорни кўрмадим. Кўрганим одми, хоксор, камтаринлар бўлди.

Газета кимга керак, ҳозир интернет замони бўлса, газета нимани қойилатаяпти, дейдиганлар кўп. Нашрлар — сайт эмас. Улардек тезкор ишлаш, бирор хабарни шу ондаёқ тарқатиш қийин. Аммо газеталарнинг сайтлардан устун ва афзал фарқларидан бири шундаки, чоп этилган бирор танқидий мақола учун бош муҳаррир “юқори”-

дан гап эшитиши, ишдан кетиши мумкин, лекин мақолани олиб ташлашнинг иложи йўқ. У қолади, юз йил, минг йилдан кейин ҳам туради. Сайтларда эса кўряпмиз, баъзи танқидий материалларнинг умри бир кунга ҳам бормаяпти. Сайт раҳбари “тепа”дан танбех эшитса, ўша заҳоти ўчиради мақолани. Ваҳима билан тарқатилган мақолани излаш учун сайтга кирсангиз, 404 туради тиржайиб. Шу журналистиками, қани бу ерда ижтимоий позиция? Журналистикани танқид ушлаб туради, айтган, ёзган гапига

жавоб бермаса, унинг учун курашмаса, бундай касб нимага керак ўзи?

Танишлар билан гаплашганда, улар яқин ўртада телевизор томоша қилганини, кўрса ҳам хориж каналларини кузатишини айтади. Нега десангиз, холислик йўқ бизнинг каналларда дейишади. Яъни, биздаги твчилар танқидни ҳам, мактовни ҳам буюртма ёки оғзаки буйруқ асосида амалга ошираркан. Мақтаса, кўчларга кўтариб юборади, танқид қилса, ерга уриб чилпарчин қилади.

Ёш авлодни саводли қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга газета ва журналлар танг аҳволда. Бир амаллаб обуна қилинадиган нашрлар ҳам нафас ололмай ётибди. Ўқисанг, кўнглинг айнийдиган расмий матбуотнинг боридан йўғи яхши, аммо маза қилиб, кўп нарса олса арзийдиган газета ва журналларни асраб қолиш керак. Не ажабки, бизда журналистика деганда кўпроқ ТВ тушунилади. Давлат матбуотга, яъни газета ва журналга бир тийин ҳам ажратмайди. Бирок, бюджетни эмиб ётган ўзбек ТВнинг қайси канали томошабин учун қизиқ?

Инсоф билан айтганда, “Маҳалла”, “Маданият ва маърифат” каналларида изланиш ва интилиш бор. Аммо бошқа каналларчи? Нега кўпчилик давлатдан бир сўм ҳам олмайдиган “Севимли”, “Меинг юртим”, “Зўр” каналларига ўч? Сабабини биласиз, уларда бикиқлик йўқ. Тўғри, бачканадан бачкана кўрсатувлар тиқилиб ётибди, лекин “ярқ” этиб кўринадиган чиқишлар ҳам борки, улар томошабинни ўзига тортиб олмақда. Менга шуниси қизиқки, агар давлат каналлари ҳам газета журналлар каби ўз ҳолига ташлаб қўйилса, неча кун яшаркан? Янаям қизиғи шундаки, давлат сиёсатини тарғиб қилиб келаятган марказий газеталарга нима учун бюджетдан

пул ажратилмайди? Ёки МТРК ҳокиму газеталар етимми?

Бугун расмий ТВга ҳар куни эфирга чиқиб ҳеч кимга ёқмайдиганлар эмас, Қобилбек Каримбеков, Давлат Турдалиев, Хайрулла Ҳамидов кабилар керак. “Давр” инормацион дастури очилганда гуллаиб юборган ёшлар керак бугун ҳам. Ўзи нима деяётганини тушунмайдиган бобойларга жавоб бериш шарт.

Ахолиси фаровон яшайдиган, техника ривожланган, инсон омилига кундан кун эҳтиёж камайиб бораёт-



ган Германияда ҳам газеталар давлат томонидан молиялаштирилади ва ҳар куни чоп этилиб, одамлар уйига етказиб берилди. Биз эса ақлу заковатда немислардан ҳам зўр бўлсак керакки, газета ва журнал дейилса, пешонамиз тиришади.

Босма нашрларнинг “кетмони учмай” қолишига кўп ҳолатлар сабабчи.

2019 йилнинг бошида “Хуррият” газетаси уч-тўрт ой чикмай қолганида, устозлар, ҳамкасблар ўз муносабатларини билдиришди. Айниқса, ёзувчи ва муҳаррир Хуршид Дўстмухаммаднинг ёзганлари аччиқ ва очиклиги билан ёдимда қолган. Устоз ўз мақоласида газеталарнинг чикмай қолиши ёки обунаси кескин тушиб кетишининг сабабларидан бири сифатида халқдан узоклашиш деб айтган эди. Бу жудаям тўғри гап. Яшириб нима қилдик, ўзимиз ишонмайдиган гапларни ёздик, бировларнинг номидан дил сўзлари тўқидик, Президент раҳнамолигида, бошчилигида деб бошланмайдиган мақолалар ўтмай қолди, натижада шу даражада маддоҳлик авж олдики, ўзимиз ишлайдиган газетани ўзимиз ўқишга бетимиз чидамасди. Биз худди пойафзал ишлаб чиқарадиган ишчилардек ҳафталик, ойлик, режалар қилардик. Ҳозир ўйласам, кулгим қистайди: илҳом ва бирор туртки билан ёзилиши керак бўлган мақола олдиндан буюртма қилинса-я... Марказий нашрлардаги бу ҳолат вилоят, туман бошқа нашрларга ҳам юқди. Шундай бўлгач, бундай газеталарни ким ўқийди? Расмий матбуотдан зада бўлган одамлар кўплар сариқ матбуот деб атайдиган,

аслида эса газетхонни кўп йиллар ушлаб турган нашрлар — “Даракчи”, “Сўғдиёна”, “Бекажон”га ўзини урди. Иши фақат мактов бўлган газетадан кўра бирор артистнинг ёки ўйинчининг ҳаёти билан танишиш ўқувчига маъқул бўлди. Кўрсатма шундай эди, деб ўзини оқлашга уринганларга ишонмайман. Зеро, Аббосхон Усмонов, Жаббор Раззок, Хуршид Дўстмухаммад, Қулмон Очил, Карим Бахриев каби муҳаррирлар ҳар қандай ҳолатда ҳам газетани одам ўқийдиган қилиб чиқаришганига ҳамма гувоҳ.

Яхшики, бошқарув ўзгарди. Кейинги етти йилда чоп этилаётган нашрларни ҳафсала билан ўқиган одам охириги йигирма йилда қилинмаган ишлар қилинганини кўради. Танқид, таҳлил авж олди. Маънавий-маърифий мақолалар сони кўпайди. Бирок обуна масаласи осилиб қолди. Ура-урачиликка йўғрилган аввалги нашрлар қиёфаси ҳозир ҳам ўзгармаган, деган кайфият халқимизни обуна бўлишдек маърифий ишдан узоклаштириб ташлади. Аввал “Мажбурий обуна” деган машина шунчалар ғалати ишлардики, натижада ош егиси келган одамнинг олдига лағмон, тухум емоқчи бўлган мардумнинг дастурхонига атала қўйиларди. Одамлар ўзи истамаган, корхона ва ташкилотлар ўзлари учун мутлақо кераги бўлмаган газета ва журналларга обуна бўлишарди. Бу ҳолат ҳозирги кунда ҳам бор, афсуски. Мавриди келганда айтмай, газетамизнинг беш олти ойлик тахламини олиб бир катта ташкилот раҳбарига бердим. Ўқинг, маъқул бўлса келаси йилга обуна бўласиз, дедим. У одам бирор ҳафта ўтгач телефон қилди, газетангиз менга жуда маъқул, аммо “Солиқ” сўзи билан бошланувчи қайсидир нашрни обуна қилиш мажбуриятини олганини, қилмаса бўлмаслигини, ўшандан маблағ орттирса, бизнинг газетамиз ҳам обуна бўлишини уқдирди.

Бугун амаллаб, янаям очик айтсак, азбаройи шарманда бўлмаслик учун чиқиб турган кўпгина нашрларнинг “жаноза”сини айримлар интиқлик билан кутаётганида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йилнинг 27 июнида “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Нафақат соҳа ходимлари, сўзнинг кадрини, саводнинг улуғлигини, маърифатнинг чароғбон эканлигини ҳис этган юртдошимиз борки, давлат раҳбарининг бу қарорини чин юракдан олқишлади.

Босма нашрлар ва у ерда ишлаётган фидойи, камтарин ҳамкасбларга қанот берган бу ҳужжат туфайли умид қиламизки, таҳририятлар албатта қўллаб-қувватланади, давр талабига мос тарзда соҳада такомиллашув рўй беради.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Жиззах вилояти Зомин туманида қурилган янги аэропортда жорий йилнинг 7 сентябридан бошлаб мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими томонидан янги аэропорт билан танишиш мақсадида ташкил этилган пресс-турда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда блогерлар иштирок этди.

Президент ташаббуси амалда:

ТОШКЕНТДАН ЗОМИНГА 32 ДАҚИҚАДА ЕТИБ БОРИЛАДИ

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 январдаги “Маҳаллий авиақатновлар ва ички туризми, минтакавий авиаташувларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги 100-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қарори доирасида мамлакатимизда, жумладан Жиззах вилоятида ҳам транспорт тизимини тубдан такомиллаштириш, хусусан, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, фуқаро авиацияси ташкилотлари томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади таъкидланди.

Зомин тумани “Лайлак уя” массиви ҳудудида



бунёд этилган “Зомин” аэропортида 30 ўринга мўлжалланган йўловчи терминали қурилган. Ёзнинг иссиқ ҳавоси, қишнинг совуғи, баҳор ва куз фаслларидаги иқлим ўзгаришлари инobatта олиниб зарур қулайликлар яратилгани таҳсинга лойиқ.

Жорий йилнинг 7 сентябридан бошлаб “Uzbekistan Airways” янги маҳаллий йўналиш: НУ-1001/1002 қатновлари ҳар куни “Тошкент – Зомин – Самарқанд” ва “Самарқанд – Зомин – Тошкент” йўналишларида амалга оширилмоқда. – Туманимизда ички туризми ривожланти-

риш, йўловчиларга арзон нархларда авиаташув хизматлари кўрсатиш ва авиакомпаниялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида резидент авиакомпанияларига ички туризм йўналишларидаги авиақатновлар учун авиачипта нархининг 25 фоизи миқдорида республика бюджетидан субсидия ажратиш тизими жорий этилди, – дейди “Зомин” аэропорти раҳбари Турсунали Усмонқулов. – Тошкентдан Зомингача ва Самарқанддан Зомингача бўлган масофа учун 1 нафар йўловчи авиачиптасининг нархи 105 минг сўмдан бошланади. Зоминдан Тошкентгача ва Зоминдан Самарқандгача бўлган авиачипта нархи эса 78 минг сўмни ташкил этади.

Эътиборлиси, ушбу ҳар икки томон йўналиши учун чипталарни “www.uzairways.com” расмий сайтида, “UzAirways” иловаси орқали, шунингдек, “Uzbekistan Airways Sales” филиалида бемалол харид қилиш мумкин.

Дарвоқе, Чехия давлатидан харид қилинган янги русумдаги “LET L-410” русумли самолёт кўтарилиши учун узун йўлак бўлиши шарт эмас экан. Ушбу ҳаво

кемаси 500-600 метр масофадан бемалол парвозга кўтарилиш имкониятига эга. Лекин, шунга қарамай аэропортнинг 1,2 километр масофали қўниш ва учуш йўлагига ойнадек равон қилиб асфальт ётқизилган.

Пойтахтдан Зоминга парвоз қилувчи ушбу “LET L-410” русумли самолётда 19 нафар йўловчи ўриндиғи мавжуд. Ушбу ҳаво кемаси 1500 километр масофагача уча олиши мумкинлиги таъкидланди. Айни дамда “Зомин” аэропортида “Uzbekistan Airways”нинг иккита “LET L-410”

русумдаги самолёт аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– Бир неча соат муқаддам мазкур ҳаво лайне-рида Тошкентдан Зомингача 32 дақиқада келиб қўндик. Бир пасда, яъни бироз нафас ростлаганимга кетган вақтда кўзлаган манзилда бўлдим. Таксида келганимда уч – уч ярим соат вақтим кетарди. Авиачипта нархи ҳам қиммат эмас, Тошкентдан Зомингача 105 минг сўм экан. Фуқароларга яратилаётган бундай қулайликлар учун ҳукуматимизга беҳисоб миннатдорлик билдир-сак ҳам кам, — дейди зоминлик йўловчи Санжар Баҳриддинов.

— Тошкент давлат иқтисодиёт университети сиртки бўлими талабасиман, Зоминдаги “Логистика маркази”да туризм йўналиши бўйича ишлайман. Авиачипта нархи Зоминдан Тошкентгача 78 минг сўмни ташкил этар экан. Бу деярли Зоминдан пойтахтга қатнайдиغان таксилар нархи билан тенг дегани. Бундай ғамхўрлик нафақат талабалар учун, балки фуқаролар ва айниқса, ички ва ташқи сайёҳларнинг Зоминга келишини янада ошишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди айнан шу рейс билан Тошкентга парвоз қилиш арафасида турган йўловчи Жаҳонгир Умиров.

Аэропорт мутасаддиларининг маълумотига кўра, “Зомин” аэропорти фаолиятини бошлаши билан барча мутахассис, техник ва хўжалик ходимларини қўшиб ҳисоблаганда 30 нафарга яқин киши доимий иш ўрни билан таъминланган. Келгусида аэропорт фаолиятини кенгайтириш ҳисобида яна 25 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Аэропорт ҳудудида қурилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

**А.ҚАЮМОВ,
Ж.ЁРБЕКОВ (сурат), ЎЗА**

ОБОДЛИК ЙЎЛЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Куни кеча мамлакатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида энг долзарб муаммолардан бири йўл хўжалиги соҳасини янада жадал ривожлантириш, ҳудудлардаги автомобил йўллари ва ички йўллارни сифатли, талаблар даражасида таъмирлаш масаласи кўриб чиқилди.

“Менинг йўлим” дастури бўйича йўл қурилиши ва таъмирланишига оид масала юзасидан мутасаддиларга аниқ вазифалар ва топшириқлар юклатилди.

Айтиш жоизки, йўл қурилиши ва таъмирланиши ҳозирги кунда энг долзарб масаладан бирига айланган. Албатта, мамлакатнинг юзи ва кўрки энг аввало замонавий йўл ва кўприкларнинг қай даражада барпо этилганлиги билан боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қараганда шаҳар ва

туманлардаги автомобил йўллари-ни қуриш ва таъмирлаш ишларига давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётганлиги бор гап. Биргина Тошкент вилоятининг Бекобод туманидаги йўллардан фойдаланиш корхонаси томонидан олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари бугунги кун талаби даражасида қилинаётганлиги эътиборга молик. Жамоа ишчи-хизматчилари аҳолининг эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб, туман маҳаллаларидаги ав-

томобил йўллари сифатли таъмирланишига эътибор қаратишган. Чунончи тумандаги “Хос” МФЙ ҳудудидан ўтувчи маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумфойдаланувдаги автомобил йўлининг 5 км.лик қисми жорий таъмирланмоқда. Бунинг натижасида “Хос” ва “Ёшлик” маҳаллалари учун анчагина қулайлик яратилади. Бундан ташқари ҳудуддаги “Оқтепа” маҳалласида “Менинг йўлим” дастури асосида 4 км.лик автомобил йўли асфалт қилиб берилди.

Тумандаги “Янги ҳаёт” МФЙга қарашли кўча жорий таъмирланди, “Бўстон” маҳалласига қарашли Бобур ва “Истиклол” кўчаларига асфалт ётқизилди. Шунингдек, дастур



асосида “Гулистон” маҳалласидаги Беруний кўчаси жорий таъмирланди, “Дўстлик” маҳалласидаги “Ўзбекистон” кўчаси асфалт қилинди. Бир сўз билан айтганда йўлларнинг сифатли ва соз бўлиши автомобил ва пиёдалар ҳаракатида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Зеро, ободлик ва юксалиш йўллардан бошланиши-ни ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ашурали БОЙМУРОД

Жараён



ФАРЗАНДИНГИЗ БИЛАН МАСЛАХАТЛАШАСИЗМИ?

Саволни бежиз бундай қўймадим. Чунки ота-онанинг фарзанди, фарзандларнинг эса ота-оналари билан маслаҳатлашмай иш қилиш ҳолати кўп учрамоқда. Ёмони, бу баъзан оилавий келишмовчиликларга сабаб бўляпти.

Айниқса, ота ўғлининг, она қизининг маслаҳатсиз иш қилишидан норози бўлган ҳолатлар кўп. Хўш, ўзаро бундай муносабатда ким айбдор – ота-онами ёки фарзандлар?

Баҳс туғдириши мумкин бўлган бу саволга, мен айб кўпроқ ота-онада деган бўлардим. Нега? Чунки бола тарбиянинг асосий қисмини уйда, оилада олади.

Бугун маслаҳатлашмагани учун боласидан хафа бўлган ота-она боласи ёш бўлганида унга ҳар бир ишни маслаҳатлашиб қилиш кераклигини ўргатганми? Йўқ. Аксинча, фарзанди гўдаклик чоғидан отаси ёки онаси ҳар қандай ишни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай қилганини кўриб улғайган ва энди у ёшлигида катталардан ўрганган ишни такрорляпти.

Агар ота-она баъзи қилинадиган ишларда фарзанди фикри билан қизикса, бу фойдадан холи бўлмаганига вақт ўтиб амин бўлади. Масалан, ҳовлида яшайдиган оилада ота эрта баҳорда ерни экинга тайёрлашдан олдин ўғлини чақириб, “Нима дейсан, экин экишни бошлаймизми”, деб фикрини сўраса, бола кўнглига дадам мен билан маслаҳатлашяпти деган фикр келади. Кун очик вақтда ер ағдариб, жўяк олиб, экин экилмаса, эрта ёмғир ёгса, бу ишни қилиш бир ҳафтага кечикиши мумкинлиги, бу эса ҳосил етилиши бир ойга орта сурилишига олиб қилиши тушунтирилса, бола бу борада ҳам ўқувли бўлади, ҳам отам мен билан қиладиган ишнинг маслаҳатлашяпти, деб ғурурланади.

Она ҳам қизлари билан маслаҳатлашгандек қилиб улар қилиши керак бўлган ишларни ўргатиб

борса, қизларида бирор ишни қилишдан олдин маслаҳатлашиш керак деган тушунча шаклланиб боради ва бу кўникма уларнинг келгуси ҳаётларида муҳим қарорлар қабул қилишда қўл келади.

Ҳатто буюк саркарда Амир Темур ҳам ҳар бир юришини кенгаш муҳокамасидан ўтказгани ҳақида тузуқларида келтириб ўтган. Оилада нарса сотиб олиш бўладими ёки бирор тadbир ўтказиш, бу балки оилавий дам олишни ташкиллаштириш бўлар, умуман, бутун оилага тааллуқли бўлган бирор бир қарор қабул қилишда, агар бунда болалар иштироки ўринли бўлса, улар фикрини сўраш орқали миясига келусида ҳар қандай ишни олдин маслаҳатлашиб, кейин қилиш керак экан тушунча пайдо бўлади. Унга амал қилишни ўрганган фарзандлар эса ҳаёт йўлларида дуч қилиши мумкин бўлган муаммоларни қийналмай енгиб ўтиш имкониятига эга бўлади.

Балки сизда бошқа фикр, таклифлар ҳам бордир. Бу борада мулоҳаза юритинг, ёзинг, мунозарга киришайлик.

Хуршид НУРУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизимини такомиллаштириш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни ахлоқан тузатиш, тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Фарғона вилоятида ҳам уларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш, бандлигини таъминлаш ва моддий-маънавий кўллаб-қувватлаш каби масалаларга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ижтимоий кўникма марказлари жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиққан ва авф этилган шахсларга озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж буюмлари учун бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга, хужжатлар, жумладан, меҳнат дафтарчаси, дипломлар, нафақа гувоҳномаси ва бошқаларни олишда, зарурий ҳолларда даволаниш, қариялар ва ногиронлар уйларига йўлланмалар бериш, шахсларни ижтимоий шароитга кўниктириш учун зарур бўлган бошқа ёрдам кўрсатиш вазифаларини бажариб келмоқда.

Жорий йилнинг 7 ойи давомида жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 1 минг 219 нафар шахслар доимий яшаш хонадонларига етиб келган. Уларнинг 1 минг 193 нафарига шаҳар-туманлар ҳокимликлари хузуридаги ижтимоий кўникма марказлари томонидан ҳукумат қарорига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баробаригача миқдорда маблағ берилди. Озодликка чиқарилган фуқароларнинг барчаси вилоят соғлиқни

маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи, узоқ йиллар давомида турли соҳаларда ишлаб, ҳозирда нафақага чиққан фуқаролар, маҳалладаги намунали оила аъзолари, маҳалла фаолларидан иборат тар-

мустиқил равишда тadbиркорлик, чеварчилик, устачилик, дурадгорлик, новвойчилик, савдогарлик билан шуғулланмоқда. Вояга етмаганлари эса умумий ўрта таълим мактабларига, касб-хунар мактабларига юборилди ҳамда касб-хунар эгаллаш учун мономарказлар томонидан касбга ўқитилиш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, 1966 йилда Фарғона шаҳрида туғилган Илҳом Мирзарахимовга марказ томонидан ногиронлик нафақаси тайинланишига кўмаклашиб, саховат уйига жойлаштирилди. Вилоят, шаҳар-туман ижтимоий кўникма маркази ходимлари томонидан жазо муддатини ўтаб қайтган шахсларга амалдаги тартиб-қоидалар асосида ижтимоий-маиший шароит яратиш ишлари вилоят ҳокимлиги, ички ишлар бошқармаси, камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

– Озодликка чиқиб, ўз оиласи бағрида хурсандчиликда юриш энг катта бахт эканлигини яна бир бор хис этдим, – дейди жазо муддатини ўтаб қайтган данғаралик Улуғбек Зоҳидов. – Ҳеч ким ҳаётида адашмасин, дейман. Озодликка чиққаннимдан сўнг мени ташлаб қўйишмади, аксинча, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилди. Ишонманки, менга берилган эътибор ва кўрсатилган ғамхўрликлар келгуси ҳаётимда ўз йўлимни топишимда туртки бўлади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА



**ҲЕЧ КИМ
ҲАЁТИДА
АДАШМАСИН**

саклаш бошқармаси билан ҳамкорликда тўлиқ малакали тиббий кўрикдан ўтказилди.

Марказлар томонидан жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган ҳар бир шахс билан яккама-якка суҳбат ўтказилиб, келгуси ҳаётда ўз ўрнини топиб кетишларига амалий ёрдам берилмоқда. Такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш учун тушунтириш ишлари олиб борилиб, жойлардаги

биячи-мураббийлар, ИИБ профилактика инспекторлари уларга бириктирилди.

Озодликка чиққан шахсларнинг 1 минг 144 нафари фуқаролар фуқаролик паспорти билан таъминланди. 961 нафар фуқароларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан бандлиги таъминланди. Шулардан 392 нафари камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари томонидан иш билан таъминланмоқда. 562 нафари ўз хунарлари бўлганлиги учун ҳозирда



«... АҚЛИ ҲАМ ГАВҲАР ЭДИ»

Жамият ва миллатнинг беқиёс ривожига, юрт равнаки, бевосита аёлнинг этикоди, садоқати, диёнати, ахлоқ-одоби, ҳалоллигига боғлиқдир. Бу борада Темурий маликаларнинг ибратли ҳаёт йўлини ўрганиш ва ёшларга ўргатиш баркамол авлодни буюк аждодларга муносиб ворис қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Темурий маликалардан бири Гавҳаршодбегим ўзининг донолиги, тадбиркорлиги, бунёдкорлиги билан тарихга ўз номини муҳрлаган маликалардан бири ҳисобланади.

Гавҳаршодбегим Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзонинг суюкли катта хотини эди. У Чигатой зодагонларидан Ғиёсиддин Тархоннинг қизи бўлиб, Чигатой улусида бу авлод юксак эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган.

Гавҳаршодбегим 1379 йилда туғилиб, 1393 йилда Шохрух Мирзо никоҳига кирган. Ундан уч ўғилу икки қиз кўрган. Тўнғич ўғли — Улуғбек Мирзо Кўрагон (Муҳаммад Тарағай, 1394—1449), ўртанча ўғли — Бойсунгур Мирзо (1397—1433) ва кичик ўғли — Муҳаммад Жўки Мирзо (1401—1445) лардир.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Гавҳаршодбегим юксак дид-фаросатли, оқила, тадбиркор, суҳандон, бир сўзга — қатъиятли, ҳусн бобида ҳам беназир аёл бўлган. Шохрух Мирзонинг ўзи ҳам хотини Гавҳаршодбегимнинг донолигига тан берган, салтанатни бошқаришда оқилона ва тадбирли маслаҳатларига эҳтиёж сезганлигини тарихий манбалар гувоҳлик беради. Шу боис, салтанатга доир кўпгина ишлар маликанинг назар-эътиборига ҳавола қилинган. Салтанат, девон ишларини ўқтам ва тадбиркор Гавҳаршодбегим бошқарарди.

Тарихчи олим Амриддин Бердимуродов ўзининг “Самарқанд тарихидан томчилар” номли мақолалар тўпламида Гавҳаршодбегимнинг ҳатто шахсий муҳрга эга бўлганлигини айтиб ўтадики, бу маликанинг айрим давлат ишларида ўзи шахсий қарор қабул қилиб, унинг ижросини кузатганини, тасдиқлаганини кўрсатади. У тўқ яшил моҳтобдан, тўқ яшил рангда, (нефрит-

дан) бодомсимон шаклда ясалган бўлиб, сиртига сулс ёзувида арабча хат билан “Гавҳаршодбегим Ғиёсиддин Тархоннинг қизи”, деб ёзилган. Маликанинг бу муҳри бугунги кунгача етиб келган, у жуда катта сиёсий кучга эга бўлиб, тош ўймакорлигининг гўзал намунасидир. Бу ноёб ёдгорлик сифатида ҳозирда Санкт-Петербургдаги Эрмитаж музейида СА-13650 рақами остида сақланади. Муҳр тахминан 1457 йилларда ишланган.

Шохрух Мирзо даврида Хуросон сиёсий-ижтимоий ва маданий жиҳатдан анча гуркираб ўсди. Мамлакат пойтахти Ҳирот иқтисодий ва маданий юксалишда Шарқнинг эпг нуфузли шаҳарларидан бирига айланди. Табиийки, мамлакатнинг бундай юксалишида малика Гавҳаршодбегимнинг ҳиссаси беқиёс. Бу даврда Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа вилоятларида қурилиш ишлари авж олган эди. Масжиду мадрасалар, хонақоҳ, мақбара, даҳма, мусофирхона, шифохона, равог, кўнрик ва сардобалар қуриб битказилди.

Табиатан ватанпарвар, билимдон ва зукко Гавҳаршодбегим мамлакат равнаки йўлида тинмай ғамхўрлик қиладди. Унинг дастурида маданий ва маърифий ҳаёт биринчи ўринда бўлган. Шу боисданми, фарзандлари ҳамда барча набиралари илм-фан муҳлислари бўлиб, ҳатто ғазал ҳам битганлар.

Табиатида бунёдкорлик хусусияти бўлган маликанинг фармонида кўра, Машҳаддаги машхур қадамжо бўлган Имом Ризо қабри ёнида 1418 йилда ғоятда ҳашаматли масжиди жомеъ қурилиши бошланади. Муаррих Абдураззоқ Самарқандий бу қурилиш ҳақида маълумотлар бериб ўтган.

Гавҳаршодбегим Ҳиротдаги жуда кўп қурилиш ишларига раҳнамолик қилди. Унинг ўзи ҳам Ҳиротда иккита катта мадраса курдирган. Ҳиротдаги Гавҳаршодбегим мадрасаси унинг вафотидан сўнг ўз даври учун ҳам, кейинги даврлар учун ҳам турли мутахассис-

Аёл – башарият гултожи, беназир хилқат. Аёл – борлиқ кўзгуси. Унинг нафис гўзаллиги оламни чароғон этади, чунки унинг нияти пок, ўзи пок. Барчаларимизга аёнки, оналарни, аёл зотини эъзозлаш эл-юртимиз учун азал-азалдан эзгу қадрият бўлиб келган. Биз меҳр-муҳаббат ва одамийликнинг илк сабоқларини азиз оналаримиздан, уларнинг бешигимиз узра парвона бўлиб айтган алла оҳангларидан оламыз.

лар тайёрловчи илм-маърифат маркази сифатида фаолият олиб борган.

Гавҳаршодбегимнинг маърифатпарвар сифатида барпо этган мадрасаси, масжиду хонақоҳи меъморий ёдгорлик сифатида ҳозирда ҳам Ҳиротда қад кўтариб турибди.

Қобул шахрида 2003 йилда очилган хотин-қизлар университети фаолият олиб бормоқда. Университет малика Гавҳаршодбегимнинг ҳурмати ва эҳтироми рамзи сифатида унинг номи билан юритилмоқда.

Мирзо Улуғбекдек алломани дунёга келтирган Гавҳаршодбегим номи юртимизда эъзозланиб келинмоқда. Унинг эзгу ишлари ҳақида Б.Аҳмедов, А.Ўринбоев, А.Аҳмедов, У.Уватов, А.Бердимуродовлар илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Айниқса, Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар” ҳақидаги рисоласи жиддий тадқиқотлардан биридир.

Бадиий адабиётда ҳам бир қанча шоир ва ёзувчилардан Поён Равшанов, Мақсуд Шайхзода, Пиримкул Қодиров, Муҳаммад Али, Шаҳодат Исахоноваларнинг асарларида Гавҳаршодбегимнинг ўчмас сиймоси ўз аксини топган. Бугунги кунда толмас маърифатчи, улуғ бунёдкор Мирзо Улуғбекнинг илм-маърифат ҳомийси сифатида тилга олинаётганлиги, у барпо этган мадрасайи олияси — Самарқанд давлат университети вориси эканлиги эътироф этилаётганида унинг волидаси Гавҳаршодбегимни ёдга олиш эзгу ишлардан биридир. Қайсидир маънода Мирзо Улуғбекдаги бунёдкорлик, маърифатпарварлик туйғуси она қонидан ўтганлигини унутмаслик лозим, деб ўйлаймиз.

Мирзо Улуғбек: “Онамнинг исми-ю кўзларигина гавҳар эмас, балки ақли ҳам гавҳар эди” қайд қилиб ўтган эди.

Тарихда асрлар, йиллар ўтган сайин айрим тарихий воқеалар бироз хира тортиб унутилиши мумкин. Аммо эзгу ишларни амалга оширган, кашфиётлар яратган тарихий шахслар номи мангуликка дахлдор.

Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-910
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23,
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

НАМУНА БОРМИ?

Олий таълим муассасасини имтиёзли битириб йўлланма билан келган йигитнинг виқор билан мағрур бокиб турганини кўриб хуш кайфият билан ариза ёзишини таклиф қилдим.

— Намуна борми? — деди йигит.

— Қанақа намуна? — дедим таажжубланиб.

— Ариза намунаси, — деди у хотиржам. — Қараб ёзиш учун...

Бизда унақа намуна йўқлигини, аризани ҳар ким ўзича ёзгани маъқуллигини айтдим.

Йигит бироз ўйланиб ўтиргач аризани ташқарида ёзиб келишга рухсат сўради ва чиқиб кетди.

— Сизнинг хужжатларингизни кадрлар захирасига тайёрлаётган эдик, таржимаи ҳолингизни ёзиб берсангиз, — дедим бошқа бир тажрибали ходимга.

— Намуна борми? — сўради у.

— Йўқ, ўзингиз билганингизча ёзаверинг.

— Энди, бирорта намуна бўлса яхши эди-да.

Яна бири хизмат сафаридан қайтганини айтиб кириб келди. Табиийки, сафар ҳисоботини сўрадим.

Луқма

— Намуна борми? — сўради у ҳам бемалол.

Стол устидаги телефон уст-ма-уст жиринглади. Гўшакни олдим. Шумхабарни эшитиб жойимга ўтириб қолдим. Ичимдан бир нима узилиб тушгандай бўлди. Мўтабар устозларимиздан бири оламдан ўтибдилар. Бир мунча вақт ўтириб, ўзимга келиб олгач ўринбосаримни чақирдим. Ҳолатни тушунтириб газетада чоп эттириш учун мухтасар таъзиянома матнини тайёрлаш кераклигини айтдим. У бир муддат талмовсираб, каловланиб тургач секингина “бирорта намуна йўқмикин?..”, деди.

Ўйланиб қолдим. Оддий юмушни бажариш учун ҳам бош қотиришни истамай қолмаяпмизми? Ҳамма нарсани намунага қараб тўлдириб қўяқолиш осонроқми?.. Лойиха тайёрлашга ҳам, диссертация ёзишга

ҳам, оддий хабар юбориш... кечирасизу... таъзиянома билдиришга ҳам намуна излаб қоламизми-я?.. Фикрлаш тарзимиз ҳам андоза-ю қолипга тушиб, бошқачароқ фикрлаганлар кўзимизга ғалати, хатто хунукрок кўриниб қолмаяптими?..

Нима масалада эканлиги ҳозир ёдимда йўқ, анча йиллар илгари ишхонамизда сўровнома ўтказилди. Хонага жамланган одамларга сўровнома варақлари тарқатилди. Кўпчилик саволларга жавоб беришда кимдандир сўрашга, маслаҳат олишга интилаётгани, иккиланаётгани кузатилди. Битта ёши каттароқ ходимимиз эса ҳаммадан охирида қолиб мендан жавобларини текшириб беришимни ҳам сўради. Аслида жамоатчилик фикрини ўрганиш учун берилган оддий саволлар ва табиийки, жавоб бераётган кишининг шахси ҳам кўрсатилмаётган эди. Шунда ҳам

аксарият одамлар ўйланиш, фикр билдиришдан кўра кимдандир кўриб ёки сўраб белгилаб қўйишни маъқул кўришаётганди.

Эсимга тушиб кетди: бир вақтлар ён дафтаримга “Нотаниш манзилларда саёҳатчиларни гидлар йўл бошлаб, таништириб боришади. Баъзилар бутун ҳаёти давомида ҳам гидларга эҳтиёж сезиб яшашади”, деб ёзиб қўйган эканман.

Эртага олий ўқув юрти битирувчилари билан учрашувга бораман. Уларга корхонамиз, йўналишимиз, режаларимиз ҳақида хикоя қилиб бераман ва бизга МУСТАҚИЛ ФИКР БИЛАН ИШЛАЙДИГАН етук ёш мутахассислар кераклигини айтаман.

Фақат бир нарса бироз ўйлантириб турибди:

— Намуна борми? — деб сўраб қолишмасмикин.

Ҳабиб СИДДИҚ

Экология

Денгиз ёнида бўлсанг ҳам бир томчи сувни увол қилма!

1a-centr.ru веб-сайтида Марказий Осиёга қурғоқчилик яқинлашаётганлиги, бу эса ўз навбатида сув ва электр тақчиллигига олиб келиши мумкинлиги тўғрисида маълумот чоп қилинган. Веб-сайтда келтирилган “Марказий Осиёга қурғоқчилик яқинлашаётганлиги” тўғрисидаги хабар, албатта, ҳар қандай инсоннинг хотиржамлигини ўғирлаши, қалбига ғулғула солиши ва уни эртанги кунни нима бўлиши тўғрисида ўйлантириб қўйиши табиий. Аммо мусулмон одам бу маълумот тўғрисида мулоҳаза юритиб кўрса — уни асло бу қайғуга ва эртанги кунни ғами юзасидан ташвишга солмайди.

Маълумки, коинотда хаттоки ер шаримизда сир-асрорлар талайгина. Инсоннинг ҳамма нарсига етадиган илми ана шу сир-асрорлар олдида ожизлик қилиб қолиши аниқ. Инсон бу сир-асрорларни қанчалик билишга интилмасин барибир ожизлик қилаверади. Чунки Аллоҳ таоло илм билан ҳамма нарсани камраб олган — ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам, зоҳирий нарсаларни ҳам, ботиний нарсаларни ҳам — ҳамма нарсани билгувчи Аллоҳ таоло англаган тақдирда биз улардан айримларинигина билишимиз мумкин, холос.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким эртанги кун биз учун яхши бўладими ёки ёмон, билмайди. Келажак учун тузилган режа ҳам аниқ амалга ошиш ёки ошмаслигини фақат Аллоҳ таоло билади.

Қарангки, хаттоки об-ҳавонининг қандай бўлиши ҳақида хабар берувчилар ҳам тажрибага таянган ҳолда тахминан айтишади. Ҳарорат

кўтарилиб қурғоқчилик бўлиши ёки ёғингарчилик кўп ёғиб сув босиши мумкин дейишади. Аммо аниқ қурғоқчилик бўлиш-бўлмаслиги ёки сел келиш-келмаслигини ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Қурғоқчиликнинг ёки селнинг ҳамма сабаблари, шароитлари бўлса ҳам, Аллоҳ таоло бўл деса, бўлади, бўл демаса, бўлмайди.

Аллоҳ таоло воқеа-ҳодисаларни улар воқеъ бўлишидан олдин ҳам билувчи Зот эканига Буюк Куръонни Карим ва Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан бизгача етиб келган ҳадисларда далиллар бор. Бунга сиз ва биз иймон келтирганмиз ва ҳеч шубҳа қилмаймиз. Хавотир эртанинг ташвишини тўхтатиб қолмайди, лекин бугуннинг шодлигини ўғирлайди, шундай экан бугунги кунинг билан яша деб бежизга айтишмаган. Яхши гумонда ва дуода бўлайлик.

Шу билан бирга веб-сайтда Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида тах-

лилий маълумотлар ҳам чоп қилинган.

Биламиз, энг зарур ва муҳим эҳтиёжлардан бири саналган сувсиз ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Дунёдаги сувларнинг 94 фоизи океанлар ҳиссасига тўғри келади, фойдаланишга яроқли бўлган ичимлик сувининг захиралари — чучук сув атиги 2 фоизни ташкил қилади. Чучук сув эса тугайдиган ресурс ҳисобланади.

Бугунги кунда нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда сувдан самарасиз фойдаланиш оқибатида ичимлик суви миқдори кескин камаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Дунё аҳолисининг кўпайиб бориши, суғориш, саноат ва коммунал хўжаликларда чучук сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши натижасида сув танқислиги юзага келмоқда.

Шундай экан, сувдан фойдаланиш маданиятни ошириш, сувни тежаш чораларини кўриш, сувдан самарасиз фойдаланишни олдини олиш ишларида, авваламбор, ўзимизни ислоҳ қилишимиз кейин эса жамоатчилик асосида кучайтиришиз жуда муҳимдир.

Ҳусниддин ПЎЛАТОВ
магистрант, FSU Panama city —
Undergraduate Programs (АҚШ)